

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФИЙ
ТАФАККУРИ ТАРАҚҚИЁТИДА
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ**



CULTURAL CAPITAL OF ISLAMIC WORLD
— 2020 —



ISLAMI OLAMI MADANIYATI POYTAXTI
— 2020 —



КУЛЬТУРНАЯ СТОЛИЦА ИСЛАМСКОГО МИРА
— 2020 —



**Республика илмий-назарий
анжумани материаллари**

Бухоро – 2020

машоихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар биз фуқаро учун ўз вақтимизни аямаймиз». Яна шундай дер эдилар: «Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб, мазлумлар ва ҳожатмандларнинг мушкулини осон қилишдан яхши хислат бўлмас. Шунга эришмоқ лозимки, бир мазлумнинг арзини султонларга етказиб, унга мададкор бўлиш адолатсизлик ҳамда зулмини бартараф қилиш учун барча куч ва ғайратни аямаслик керак»¹.

Умуман олганда, Хожа Аҳрор Вали ва Махдуми Аъзам Косоний тасаввуф тарихида биринчилардан бўлиб, суфийларнинг асосий вазифаси мусулмонларга узоқдан туриб хайрихоҳлик қилиш эмас, балки бевосита жамоат ва давлат ишларига хизматга ўтиб, одамларга, мусулмонларга хизмат қилишдан иборатлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Мустақиллик даври бизга ўз ўтмишимизни чуқур таҳлил қилиш, қадриятларимизни, бой маънавий меросимизни чин маънода тиклаш имкониятини берган экан, авваламбор, уларнинг бой тажрибаларидан бугунги кунда халқ билан мулоқот қилиш йўлидаги ислохотларимизда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ МЕРОСИДА ИНСОН ВУЖУДИ (БОРЛИҒИ) ВА РУҲИ УЗВИЙЛИГИ, ИНСОН ЎЗЛИГИ (НАФСИ) МУАММОСИ

Музаффаров Ф.Д. – БухДУ фалсафа доктори (PhD)

Имом Ғаззолий қарашларига кўра, инсон ўзининг бутун борлиғи билан олам ва унинг парчаларига уйғун бўлиб яратилган. У руҳи билан оламнинг юксак қисмига, сув, ҳаво ва ҳарорат ҳамда тупроқдан яралган унсурлари билан ер юзининг жавҳарларига, ҳайвоний руҳи билан ҳайвонларга, вужудида мавжуд томирлари ёрдамида озикланиб ўсган ўсимликларга, суяклари билан жонсиз борлиқларга ўхшайди. Буни умумий ўхшашлик сифатида қабул қилган Имом Ғаззолий «Агар инсон вужудининг парчалари оламнинг ҳар бир парчаси билан солиштирилса, улар орасида ўхшашлик борлиғи кўриди», дейди. Бундан ташқари у «Кимийи саодат» асарида ҳам, оламда мавжуд бўлган ҳар нарсанинг бир ўхшашлиги инсонда бор эканлиги, суяклари тоғларга, томирлари дарёларга, туклари дарахтларга, ақли осмонга, сезги органларини эса юлдузларга қиёслайди.

Имом Ғаззолий: «Оламда ҳеч бир ғариб ва мушқил иш йўқдирки, инсонда унга доир илмнинг калити топилмайдиган» дейди. Унинг фикрига

¹ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. Самарқанд. Зарафшон. 1993. Б-106.

кўра, мавжудлик идрок этилар экан, борлиқ аввал ҳиссиётдан ҳаёлга, сўнг қалбга кўчади. Кишига бу шаклда улашилмаган нарсалар ҳеч идрок этилмаганидир. Бундан кўринадики, оламнинг бутуни учун инсоннинг ўзи, ўзидан бирор мисол тополмаса, демак, инсон олам ҳақида ҳеч қандай маълумот келтиролмайди.

Аллома илоҳий ҳикматни ғайб учун калит сифатида қараб, ўз қарашларида инсоний шакл-шамойилни оламнинг ажойиботлари ва ғаройиботларга ўхшаш қилиб яратилганлигини кўрсатади. Инсон ҳажмининг кичиклигига қарамай, қаеда бўлса ҳам бутун оламнинг ажойиботларини ўз шахсида тўплагани, шунингдек, уни олам хулосаси шаклида яратилгани, бу оламни билмоққа восита бўлиши мумкинлигига қаноатдир, деб ҳисоблайди. Шу сабабли инсоннинг оламни билиши учун ўзида бутун оламдан бирор намуна яратиши ва борлиқнинг масалаларига мисолни ўзида сақлагани воситаси билан унинг Аллоҳни таниши таъмин этилади.

Имом Ғаззолий инсонни кичик бир оламга ўхшаши ҳақида фикр юритар экан, энг аввало, икки мезонни асос қилиб олади: «Идрок этувчи бўлмоқ» ва «айбдор бўлмоқ». Мутафаккир фикрига кўра, бу иккисига алоқадор бўладиган ҳар қандай устунлик, жонлилар орасидаги устунликнинг сабаби бўлади. Бу ерда ҳаракат билан у фаришталар, инсонлар ва ҳайвонлар даражасига эга бўлиш учун уч турли жонлилар ҳақида фикр юритади. Идрок ва ҳаракатларда нуқсонли бўлганини сабабу-баҳона қилиб ҳайвонларни жонлиларнинг энг паст даражасида деб билади. Унга кўра, ҳайвонлар идрокдаги камчилик, ҳиссиётларнинг чегарали қолишидир. Чунки, туйғулар таъсирли бўлмаслиги ёки етарли яқинлик вужудга келмаслигидан идрок ҳақиқийлашмайди. Ҳайвонлар ҳатти-ҳаракатидаги камчилик эса, шаҳват ва ғазаб қоришувидан ҳаракат этганлигидан. Чунки, уларга шаҳват ва ғазаб ташқарисида ақлни бўлмаслигининг ўзи бир камчилик. Малаклар эса, оламдаги жонлилар ичидаги энг юксак даражада бўлганлари. Уларнинг идрокларидаги устунлик, жисмларга нисбатан узоқ ва яқинлигининг идрок этилишига монe бўлганлигидадир. Ҳатти-ҳаракатларидаги устунлик эса, шаҳват ва ғазаблари билан эмас, Аллоҳга яқинлашмоқ истаги билан ҳаракат қилаётганлиги бўлади.

Барча тирик жонлиларни «идрок этувчи ва айбдор бўлмоқ» шаклида таърифлаб, жонлилару-малаклар, инсонлару-ҳайвонлар сифатида таснифлаган Ғаззолий «гўёки инсон малаклик ва ҳайвонликдан мураккабдир» дейиш асносида инсоннинг булардан ҳар иккисининг ҳам қувват сифатларига эга бўлганига урғу қаратади. Инсонийлик ҳайвонийликнинг энг паст

даражасидан малакликнинг энг юксак даражасига юксала олиш қобилиятида кўрган Ғаззолий инсон ҳақида «тубанлашмоқ ёки юксалмоқ унинг ишидир. Малакларнинг ва ҳайвонларнинг ўрни аниқ, инсон эса бу иккиси орасида таҳликада», деб ёзади. Инсоннинг озикланиш ва кўпайиш томонлари билан ўсимликларга ўхшаш эканлигини таъкидлаган Ғаззолий яна шуни қайд этадики, инсон озикланмоқ ва кўпайиш томонлари билан ўсимлик, ҳайвон ва инсонларга муштарак экан, идрок этувчи ва айбдор бўлмоқ томонлари билан ҳайвонлар ва инсонлар ўсимликлардан фарқлидир. Ҳис қилмоқ, ҳаракат этмоқ, емоқ, жинсий муносабатда бўлмоқ, кўрмоқ ва ҳоказолар инсон ва ҳайвонларнинг ўхшаш хусусиятларидир.

Инсон ва ҳайвонлар туйғу ва ҳаёл жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшасаларда, аллома эътирофича, инсон эга бўлганлари шарафли тарздадир. Чунки, ундагилар янада юксак ғоя учун яратилган, ҳайвонлар фақат егулик ғамида ва инсонларга хизмат қилиш учун восита бўлмоқ учундир. Унга кўра, инсондаги туйғу ва ҳаёл, арзимас оламдан, юксак диний маърифатларнинг асосларини овламоққа яраган бир тўр кабидир. Инсонлар булар билан идрок этган нарсалардан ақл воситаси билан умумий мутлақ маънолар иқтибос этадилар. Бундан ташқари у яна шуни қайд этадики, агар инсон ўзининг хулқ-атворида ақлий ҳақиқатларни идрок этишга эҳтиёж сезса, унда динга алоқадор маърифатларнинг асосларини кафолати учун туйғуларини ва ҳаёл қувватларини қўллайдди.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аёнлашадики, бутун борлиқ негизи Аллоҳнинг ҳаракатлари натижасида вужудга келади. Ундан ташқари ҳамма нарса оламдир. Оламнинг ичида инсоннинг ўзига хос махсус ўрни бор. У оламнинг барча унсурларини ўзида тўплаган ва шу жиҳатига кўра, оламнинг хулосаси сифатида қабул этилган бир борлиқдир. Инсон оламнинг хулосаси бўлиш билан бирга малаклик ва ҳайвонликка оид шахсиятни ўз ичида яширади ҳам бу жиҳатдан у ҳайвонлар даражасига тушиш ёки малаклик даражасига юксалиш қобилияти эгасидир.

Имом Ғаззолий эътирофига кўра, инсон оламнинг икки шакли олабий мулк ва руҳлар олами ичида яширилган бир бутунлиқдир. У мулк ва руҳлар олаmidан, ҳайвонлик ва малакликдан, тана ва руҳдан майдонга келади.

Умумий қилиб асарларида инсонни руҳ ва тана шаклида икки нарсдан тузилган деган қарашда бўлган Ғаззолий баъзан руҳни табиий-наботий (ўсимлик) руҳи, ҳайвоний руҳ ва башарий руҳ шаклидаги учлик алоҳидалигига тобе тутаяди. Бир қарашда бундай алоҳидалик инсоннинг тана ва уч тур руҳдан майдонга келгани ақлга келса ҳам табиий руҳ ва ҳайвоний

руҳ тананинг тириклигига оид бўлиб, табиий руҳ танага, тана эса ҳайвоний руҳга хизмат этиш ҳолатидадир.

Тана ҳақида, «У бир жисмдир. Жисм зичдир, яшириндир. Ҳар он учун пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш ҳолатидадир. Тупроқдан яратилгандир, мураккабдир. Ўз-ўзини йўқ қилувчи эмасдир», деган Ғаззолий фикрича, инсоннинг танаси жисмдир, унда ҳис ва ҳаракат манбаси, латиф бир жисм бўлган ҳайвоний руҳ мужассам. Ҳайвоний руҳ қалб ойнасидаги бир қандилга ўхшайди. Ҳаёт бу қандилнинг нури, қон унинг ёғи, ҳис ва ҳаракат унинг нури, шаҳват унинг ҳарорати, ғазаб эса тутунидир. Бу қандилнинг сўниши эса тананинг ҳалокатидир. Ҳайвоний руҳ илм ўрганмайди ва шариат юклаган мажбуриятлар бу руҳга тегишли эмас. Латиф бўлган бу руҳ воситаси билан қалбдан туғилган ҳис ва ҳаракат аъзоларга кўчади. Бошқа бир асарида уни томирларда айланган нарса сифатида таърифлаган Ғаззолий, «Бу томирлар ва мушакларга юборилган табиий бир ҳароратдир. Ҳайвонларда ҳам мавжуд ва ўзи билан жонлиликини таъминлаган нарса будир», дейди.

Тана ва руҳдан ташкил топган инсоннинг зоҳирий ва ботиний суратларини тушунтирган имом Ғаззолий, ҳар бири учун гўзал ёки кўримсиз шаклда ҳаёт мавжудлигини айта туриб, зоҳирий суратга халқ, ботиний суратга эса хулқ-атвор номини беради. Унга кўра, басират билан идрок этилган ориф ва уйғоқ бўлган жавҳарий руҳ мартаба сифатида янада юксакдир. Аллоҳ уни ўз нафсига боғлаб қўйган, бадани эса, балчиққа алоқадор. Зоҳирий баркамолликка оид аъзолар барчасининг гўзаллиги керак бўлгани каби, ботиний гўзаллик учун ҳам илм, ғазаб, шаҳват ва адолат қувватларининг мунтазам ва мутаносиб бўлиши керак бўлади.

Ғаззолий руҳнинг тана билан алоқасининг бошланғич нуқтасини тушунтириш учун кўзгудан мисол келтиради. Унга кўра, кўринишнинг керакли тартиби таъминланиб, бу салоҳият ёрдами вақтида унга руҳ берилиши, гўёки ойнанинг жилоланишидан кейинги кўринишнинг ўртага чиқиши каbidир. Ғаззолий фикрича, сурат эгаси (руҳ), ойнадаги кўринишидан аввал ҳам мавжуд. Кўринишдан аввал бор бўлиши, руҳнинг азалий мавжуд бўлгани мазмунида келмайди, чунки, азалий мавжуд бўлган, фақат Аллоҳнинг зоти ва сифатларидир. Унинг ташқарисидаги ҳар нарса Аллоҳнинг калимаси билан бор бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг ўз ҳақиқати ҳақида билишининг ягона йўли мушоҳададир ва бу мушоҳаданинг хулосаси маърифат ўзлигидан ҳосил бўлади. Башарий руҳ тўғрисида фикр юритар экан аллома, бу руҳ инсон билан ҳайвонни бир-биридан ажратиб туради. У ўз нафси билан азалий

бир жойда бўлмаган ва ҳеч бир нарсага бориб тақалмаган бир жавҳар деб кўрсатади. Унингча, Аллоҳ уни ўзига боғлаб қўйган. Жисмлардаги сояларнинг ҳақиқий борлиғи бўлмагани каби, жисмоний оламнинг ҳам ҳақиқий борлиғи йўқдир. Айни пайтда соя инсоннинг ҳақиқати бўлмагани каби шахс-тана ҳам ҳақиқий вужудга эга эмас, фақатгина ҳақиқатнинг сояси ҳолатидадир.

ИБН АРАБИЙ КАЛОМ ИЛМИ ТЎҒРИСИДА

Болтаев А.А. – Бух ДУ доценти

Маълумки, Калом илми ислом дунёсида, айниқса шариат тарафдорлари учун энг кучли таъсир этиш қуролидир бири ҳисобланадики, у турли диний ва ақидавий масалаларни омма онгига сингдириш мақсадида инсон шуурига ва онгига таъсир этиш усуллари ва йўллари дур. Буни янада очикроқ айтадиган бўлсак, турли панд ва насиҳатлар, ўғит ва ривоятлар, ваъзлар орқали кишиларни шариат ва ақида нормаларига амал қилинишини таъминлашдир.

«Шайхул Акбар» («Буюк шайх»), «Кибритул аҳмар» («Чакмоқ тош») каби номларга эга бўлган сўфий, мутасаввиф, файласуф ва олим Муҳйиддин ибн Арабий (1165-1240) ўз даврида мавжуд бўлган фан соҳалари ва илмий йўналишларга нисбатан ўз фикрларини билдирган етук мутафаккирлардан бири сифатида калом илми ва мутакаллим (калом илми билан шуғулланувчи)ларга ўз муносабатини билдириб ўтган.

Ибн Арабийнинг калом илмига муносабати асосан бошқа илмларда ҳам бўлган асосий ақидавий масалаларни эътироф этиш билан чекланади. Бу асосий ақидалар сирасига Худонинг борлиги, Муҳаммад пайғамбарнинг унинг охирги расули эканлиги, қиёматнинг ҳақ эканлиги, қабр азобининг мавжудлиги кабилар киради. Бироқ, Ибн Арабий каломчиликни «ақидатул авом» («авомнинг ақидаси») деб ҳисоблайди. У бу ҳақда шундай ёзади: «Калом илмининг олимлари бу илмни ўзлари Худони таниш мақсадида эмас, балки Худони рад этувчи, ёки унинг сифатларини инкор этувчиларга қаршилик кўрсатиш ва курашиш учун ишлаб чиқдилар ва тасниф қилдилар¹.» Ибн Арабий шу сабабли уларнинг кўп сонли бўлишини шарт эмас деб ҳисоблайди: калом илмида кўп сонли олимларнинг бўлиши шарт эмас – ҳар бир шаҳарда битта табиб бўлганидек, битта мутакаллим бўлса етади². Ибн Арабийнинг бу фикридан унинг каломчилар вақтинчалик, яъни эҳтиёж туғилганидагина, авом халқнинг иймонини ҳимоя қилиш учун керак, бошқа

¹ Ибн Арабий. Ал – Футухут ал – Маккийя. Ж. 4. С. 73.

² Ўша жой С. 74.

(Ҳожа Ахрори Вали ва Махдуми Аъзам Косоний ғоялари асосида) Саматов Х.	109
ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ МЕРОСИДА ИНСОН ВУЖУДИ (БОРЛИҒИ) ВА РУҲИ УЗВИЙЛИГИ, ИНСОН ЎЗЛИГИ (НАФСИ) МУАММОСИ. Музаффаров Ф.Д.	115
ИБН АРАБИЙ КАЛОМ ИЛМИ ТЎҒРИСИДА. Болтаев А.А.	119
ИБН АРАБИЙНИНГ ФАЛСАФАГА МУНОСАБАТИ. Болтаев А.А., Болтаева Г.А.	120
«РИСОЛАИ ВУЖУДИЯ» АСАРИДА ИНСОН БОРЛИҒИ МАСАЛАСИ. Зоиров Э.Х.	123
БУХОРО АМИРЛИГИ МУФТИЙСИ ХЎЖА МУҲАММАД ПОРСОНИНГ ЮРТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШИ. Шукруллаев Ю.	127
САБР ВА ҚАНОАТ – ЮКСАК ИНСОНИЙ ХИСЛАТ. Рахматова Х.Х.	132
ХОРАЗМ АНЪАНАВИЙ КУЛОЛЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАТЧАНОВЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЎРНИ. Худайбергенов Х.	134
АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАСАВВУФГА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТИ. Эгамбердиева Н.М.	138
АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАСАВВУФИ. Шамсутдинова Н.К.	141
«КИТОБИ МУЛЛОЗОДА» АСАРИ БУХОРО МОЗОРЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИ МАНБА СИФАТИДА. Абдуллаева Ф.Ш., Жўраева Н.О.	143
НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ. Жўраева Л.	146
УМАР ХАЙЁМ МУТАСАВВУФ ШОИР. Шодиев Ж.Ж.	149
ALISHER NAVOIY IJODIDA NAQSHBANDIYA TARIQATI VA TASAVVUF TA'LIMOTIDAGI O'RNI. Sadullaeva D.A.	152
УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИДА ТАССАВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. Шодиев Ж.Ж.	155
МУНИС ХОРАЗМИЙ ДУНЁҚАРАШИДА ТАСАВВУФНИНГ ЎРНИ. Сапаев Ғ.Б.	157
КАМОЛОТНИНГ ЎН ШАРТИ. Каримов Б.Х.	160
ИСЛОМ ДИНИ ВА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ИНСОН ШАХСИ ФЕНОМЕНИ ҲАҚИДАГИ БАЪЗИ ҚАРАШЛАР. Маъжитов М.А.	163